Ҳайвон қочиб кетганда айтиладиган дуо

Image not found or type unknown



11:16 / 20.07.2025 868

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар сизлардан бирингизнинг улови чўлда ечилиб қочиб кетса

يَا عِبَادَ اللهِ احْبِسُوا، يَا عِبَادَ اللهِ احْبِسُوا

«Я ибадаллоҳ аҳбису я ибадаллоҳ аҳбису» (яъни, эй Аллоҳнинг бандалари, ушланглар)**, деб айтсин. Чунки Аллоҳнинг ерда тўсувчилари бордир. Ўшалар уни ушлаб беришади»**, дедилар. *Ибн Сунний ривояти.*

Илмдаги баъзи улуғ шайхларимизнинг менга ҳикоя қилишларича, уларнинг хачирлари қочиб кетди. Бу ҳадисни билишар эди. Шу ҳадисдаги сўзни айтишганида, ўша заҳоти Аллоҳ таоло уни ҳибс эттирди.

Мен ҳам бир жамоа билан кетаётган эдим. Улардан бирининг ҳайвони қочиб кетди. Уни тутишдан ожиз қолганда мана шу дуони ўқидим. Шу дуоим сабабли ҳалиги ҳайвон ўша заҳоти тўхтаб қолди.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан
Таржимон Анвар Аҳмад

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.